



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солиingan

2004 йил 21 июль, чоршанба

№ 59 (11.654)

Эркин нархда сотилади

«ПЕКИН-ЧИРЧИК ЛТД» ТАМҒАСИ БИЛАН



«Пекин-Чирчик ЛТД» қўшма корхонаси тамғаси билан маҳсулотлар нафақат вилоятимизда, балки республикамизда ҳам машҳур бўлиб бораёпти.

Хитойлик сармоядорлар иштирокида барпо этилган бу корхона жамоаси ишлаб чиқараётган, халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиладиган полипрен маҳсулотларига буюртмалар оқими тобора кўпаймоқда. Айниқса, полипрендан тайёрланган қоп-

лаб, жамоа ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ушбу суратларда ҳам ишлаб чиқариш илорлари сафида бораётган ёш ишчилардан Наргиза Хўжаева ва Дилафруз Исроилова (юқорида) ҳамда Гулзода Расулматоваларни кўриб турибсиз. Бу пешқадамлар кунлик топириқчи доим ортиги билан урдалашмоқда.

Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 9, 10-моддалари ва Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 9, 10, 28-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тасдиқлансин.

2. Мазкур дастур тегишли давлат ҳокимият органлари, вазирлик, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхона, муассасалар, Қорақалпо-

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси

гистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ижро этиш учун юборилсин.

3. Ушбу дастур бажарилишининг бориши каттиқ назорат остига олинсин, бу вазифа Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 17 июль.

Марказий сайлов комиссияси мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Дастур уч босқичдан иборат. Биринчи босқич сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш олади. Ҳозирги кунда биринчи босқич тадбирлари Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти, Фарғона, Нукус, Жиззах ва Тошкент шаҳарларида сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамағамалари вакиллари, халқ таълими тизими ходимлари учун «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида» туркум семинар-тренинглар ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу ишлар изчил давом этмоқда.

Иккинчи босқич Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилишдан сайлов кунига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу масъулиятли вақт мобайнида мамлакат ҳамда вилоятлар ва туманлар миқёсида сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш, сайлов округлари ва участкаларини тузиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг сифат жиҳатидан таркибини белгилаш, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун сайловолди кампаниясида тенг имкониятлар яратиш бўйича катта тайёргарлик ишлари ўтказили-

ши назарда тутилади. Учинчи босқич эса сайлов кунидан бошлаб 2005 йил 26 февралгача бўлган даврда амалга оширилиб, парламентга сайлов ўтказиш, унинг натижаларини аниқлаш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини ўтказишни назарда тутди. Олий Мажлис Сенатига сайлов ўтказиш муҳим тадбирлардан биридир. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари ўтказилди. Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республика «Тасвирий ойна» ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмалари мустақиллигимизни васф этувчи асарлар учун эълон қилган анъанавий «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танлови давом этмоқда.

Унда ижоднинг барча соҳа вакиллари мамлакатимиздаги бунёдкорлик сурурини акс эттирувчи асарлари билан иштирок этиши мумкин.

Кўрик-танлов истиқлолимизнинг 13 йиллиги арафасида якунланади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 10 августига қадар қуйдаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Республика «Тасвирий ойна» ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмалари.

Телефонлар:
144-57-24, 144-37-87.

Тадбиркорни қўллаш учун

Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида имзоланган ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги келишувни амалга оширишга кўмаклашиш борасида «Европей» дастури янги лойиҳани бошлади. Мазкур лойиҳа мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида асосий эътибор ушбу соҳада юқори малакали тренерларни тайёрлашга қаратилди. Европалик экспертлар ҳамда маҳаллий мутахассислар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастур асосида республика бўйича 48 нафар бизнес тренер тайёрланмоқда. Улар орасида тадбиркорлар, давлат органларининг ўрта бўғин вакиллари, нодавлат ташкилотлардан мутахассислар бор. Машғулотларда тадбиркорлар фаолиятига тўсқ бўлаётган муаммолар таҳлил қилиниб, ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилди. Семинар тренинг катнашчилари шунингдек, мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ўз тақлимулохазаларини тайёрлашмоқда. Лойиҳа якунида бу ерда таҳсил олган тренерлар республикамиздаги барча вилоятларда ҳам худди шундай тренинглар ташкил қилишади.

Банклар ва халқ хўжалиги

Бугунги кунда мамлакатимиздаги банклар халқ хўжалигининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Жорий йилнинг дастлабки ярмида республикамизда ялли ички маҳсулот ҳажмининг мустақиллик йилларида биринчи марта 6,2 фоиз ўсишига банклар ҳам муносиб улуш қўшишди.

Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредит қўйилмалари

асосан устивор лойиҳаларни молиялаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

«Кафолат» кафолатлайди

Мамлакатимизда йириклиги жиҳатдан учинчи ўринда турувчи «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси ўзининг низоми сармоясини 44,1 фоизга, яъни 1,225 миллиард сўмга оширди. Бу ҳақда компаниянинг қимматли қоғозлар бўлимидан маълум қилинди.

Мазкур қарор акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қабул қилинди. Низоми сармоясини оширишни акциялар номинал қийматини 22,5 фоиз, яъни 1225 сўмга кўтариш, шунингдек, акциялар қўшимча эмиссиясини чиқариш ҳисобига амалга ошириш режалаштирилмоқда. Шунга қўра ҳар бири 1225 сўмлик жами 150 минг дон оддий акцияларнинг чиқарилиши мўлжалланмоқда.


Эмиссиялар акциядорлар – юридик шахслар, биринчи навбатда Молия вазирлигининг улушини қўлайтириш мақсадида ёпиқ усулда жойлаштирилади. Акциялар номинал қийматини ошириш ўтган йиллардаги олинган 191,25 миллион сўмлик фойда ҳисоби-га амалга оширилади.

қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Агар 2002 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар миқдори 2 триллион 235,3 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2004 йил 1 июлга келиб 3 триллион 439,1 миллиард сўмга тенг бўлди. Ушбу кредитлар таркибида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар салмоғи тобора ортиб бормоқда.

«Туркистон-пресс».

Янги Ангрен ИЭС: Ўзгаришлар палласи

Мамлакатимизда миллий истиқлолнинг илк йилларидан иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, эркинлаштириш, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб тараққий этишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Халқ хўжалигининг муҳим бўғини – энергетика соҳасини ривожлантиришга қаратилган ва 2000-2010 йилларга мўлжалланган дастур ҳам айнан шу тадбирлар жумласига кириди.



Энергетика – қудратли соҳа. У қанчалик тараққий этса, мамлакатимиз халқ хўжалигида ривожланиш шунчалик барқарор кечади. Бу ҳаракатларнинг амалдаги натижасини тизимдаги ижобий ўзгаришлардан ҳам билса бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Мўл ҳосилга замин ҳозир яратилади, дейишмоқда тажрибали пахтакорлар

Бу йил вилоят бўйича жами 109600 гектар майдонга чигит экилган. Айни дамда пахтакорларимиз ҳар кунни ганимат билиб, мўл ҳосил учун замин яратиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Ғўза парвариши айни паллада оддий деҳқондан тортиб мутасадди раҳбаргача, барчанинг диққат марказида турибди. Зеро, ҳосил сифати ва салмоғини айни дамда олиб борилаётган ишлов ва парваришнинг қай даражада эканлиги белгилаши кундек равшан.



Маълумки, пахтадан мўл ва эртаги ҳосил этиштиришда техника катта роль ўйнайди. Шу боис, вилоятда бу йил ғўза қатор ораларида ишлов берувчи барча техника воситалари ва ускуналар яна бир бор қўздан кеңирилди, синовдан ўтказилди, сифатли таъмирланди.

(Давоми 3-бетда).

• Бизнинг олимпиадачилар

Рустам САНДОВ: Афина ринги ўзбек бокси намойишига айланади

Ўғил-қизларимиз орасида эл-юртга, она-Ўзбекистонга хизмат қилишни ният қилганлари истеганингизча етарли. Бугунги суҳбатдошимиз – жорий йили Филиппин пойтахти Манилада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида голиблик шохсупасига кўтарилиб, Афина олимпиадаси йўлнамасини қўлга киритган «темир мушт» боксчилардан бири, вилоятимиз вакили Рустам Сандов ҳам барча мухлисларнинг ишончига оқлаб, миллат фахрига айланмаётган спортчилардан.



Биз у билан бўлиб ўтган мусобақани «Тошкент ҳақиқати» газетаси муштарийлари эътиборига ҳавола этишни маъқул кўрдик.

(Давоми 4-бетда).

МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

Дипломлар топширилди

Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида битирувчиларга бакалаврлик дипломларини топшириш маросими ўтказилди.

Мазкур университетда етти факультет мавжуд бўлиб, ҳалқаро иқтисодий муносабатлар, ҳалқаро бизнес, иқтисодиёт, информатика ва менежмент каби ўндан ортқ йўналишлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади. Айни вақтда илм даргоҳида 4 мингдан ортқ талаба таҳсил олмақда. Жорий йилда эса университетни 900 нафар талаба битириб, уларга дипломлар топширилди. Шулардан 170 нафари имтиёзли диплом олишга муяссар бўлишди.


«Туркистон-пресс».

Эрон кулолчилик санъати кўргазмаси

Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро маданият карвон саройида Эрон кулолчилик санъати кўргазмаси очилди.

Кўргазмада эронлик усталар Мухаммад Махдий Аншар ҳамда Суҳайл Шаббоний томонидан яратилган юздан зиёд бадий кулолчилик буюмлари – гулдонлар, қандиллар, кўза ва лаганлар намойиш этилмоқда. Хар иккала ҳунарманд маҳаллий ҳамда халқаро микёсда ўтказилган бадий кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган.

Эронлик ҳунармандлар иходининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар сопол буюмларини олтин рангда сирлаш услубидан моҳирона фойдаланади. «Парвоз», «Табият мажмуи», «Семург» каби бадий композициялар худди шу жиҳати билан томошабинларда аниқ.




са катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазма очилишида Эрон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси Мухаммад Фатҳали иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Бепул тиббий хизмат: хуқуқ ва имтиёзлар

Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам тизимидagi имкониятлар ва муаммоларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Айтиш керакки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш давлат дас-тури яратилган. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотларда бошланғич тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш ва тақомиллаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Ислохотлаштиришнинг давлат дас-турида шошилинч ҳолатда келтирилган, сурункали касалликларга чалинган беморлар, шунингдек, ҳар қандай касаллик-

ларнинг олдини олишдаги тиббий муолажалар бепул, ҳамма тенг тиббий хизмат кўрсатиш кўзда тутилади. Мазкур дас-тури амалга ошириш бора-сида хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган. Коалиция аъзолари ва федерация ходимлари мамлакатимизнинг етти минтақасидаги 54 та амбулатория-поликлиникада мониторинг ўтказганида давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам олиш хуқуқи етарли даражада амалга оширилмаётгани маълум бўлди. Федерация вилоятлардаги 38 та дорихона фаолиятини ўрганиб чиқиб, мазкур дорихоналар дори-дармонларнинг имтиёзли тарқатилиши ҳақида умуман маълумотга эга эмаслигини аниқлади.

«Туркистон-пресс».

Партиялар ҳаётидан

Аёллар манфаатини кўзлаб

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» Тошкент вилояти кенгашининг «Аёллар қаноти» гуруҳи вакиллариининг давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бугунга келиб партия ташкилотлари аъзоларининг 32,2 фоизини аёллар, 40 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу катта куч демекдир.

Тадбирда «Аёллар қаноти» гуруҳи фаолларининг бугунги фаолияти, партиянинг салоҳиятини ошириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар алмашилди. Шунингдек, давра суҳбати «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўзлаб-қувватлаш борасидаги қўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармондан келиб чиқадиган вазифалар ижросининг амалда таътиб этилиши, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ҳаракатидаги иштирокини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш юзасидан қизгин мунозаралар бой бўлди.

Раъно ХОЛИҚОВА,
ЎзИдеП вилоят кенгаши ахборот-тарғибот бўлими маслаҳатчиси.

Қурултойга делегатлар сайланди

Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Тошкент вилояти партия ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди.

Унда мазкур партиянинг вилоят ташкилоти кенгашининг биринчи котиби Т. Иргашевнинг ҳисобот-маърузаси тинг-ланди.

Конференцияда вилоят партия ташкилоти кенгаши аъзолари, таътиш комиссияси аъзолари ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясининг III қурултойига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон «Адолат» социал демократик

партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби, Тошкент Давлат тиббиёт институтини ректори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты, академик Тўғрўнпўлат Даминов нутқ сўзлади.

Конференция қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Шу кун вилоят партия ташкилоти янги сайланган кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда раёсат аъзолари сайланди.

• 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

Инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, қолаверса, кексаларга, ногиронларга, кўп фарзандли, кам таъминланган оналарга, етим-есирларга

меҳр-оқибат, мурувват кўрсатиш давлат ва жамиятнинг олий мақсади. Бу жараёнда ҳалқимизнинг азалий қадрият ва аъналарини, юксак инсонийлик фазилатларини намойён бўлмоқда.

Ушбу йил Юртбошимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниб, кенг қўллади давлат асосида чора-тадбирлар, вазифалар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз Давлат дастурининг вилоятда бажарилиши ва шу доирада кечаётган жараёнлар билан танишиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси Тўлқин Мирқодиров билан суҳбатлашди.

– Тўлқин Мирқодирович, аввало, суҳбатни жамғарманинг дастур доирасидаги фаолият йўналишларидан бошлашас.

– Мана, ўн учинчи йилдирки, давлатимиз томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламлари турмушини моддий қўллаб-қувватлаш янги ланаётган жамиятда муҳим аҳамиятга эга бўлаётди. Хар бир йилнинг ўзига хос ном-ланишида мана шу жиҳатларга катта эътибор берилиши бежиз эмас. Бу жараёнлар давлат ва жамият ҳаёти ва фаолиятининг устувор йўналишига айланди.

Бу йилги дастур ҳаракатининг мазмун-моҳияти жамиятда меҳр-оқибатчилик, миллатлараро тотувлик, аҳиллик, дўстликни мустаҳкамлаш, баҳамжиҳатликни кучайтиришдан иборат. Бу соҳадаги фаолият йўналишларига келсак, ижтимо-

ий муҳофазани кучайтириш, муҳтож бўлган оила ва инсонларга қўмак бериш, ногиронлар, қаровечисиз қолган ва ёлғиз

ни ҳимоялаш ишлари қай тарзда кечмоқда?

– Бу борада соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган

кексаларга мурувват кўрсатиш, уларни эъозлаш амалдаги вазифалардир. Энг муҳими, дастур замирида инсон қадр-қиммати, шаъни, хар бир шахсга нисбатан мана шу фазилатларни намойён этишдир.

Вилоятда кам таъминланган ва икки, ўн саккиз ёшга-ча боласи бор оилалар давлат ва хомий ташкилотлар томонидан ҳимоя қилиб келинмоқда. Шу мақсадда жамғарманинг вилоят бўлими томонидан 4 миллион 782 минг сўмлик, шахар ва туман бўлимлари томонидан эса, 89 миллион сўмликдан зиёд хайрия тадбирлари ўтказилди.

– Жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳаёти ва манфаатлари-

бюджет маблағи доирасида муҳтож кексаларни, ёшларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва тегишли ёрдам кўрсатиш ҳамда махсус марказларда даволаш учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб борилаётган бўлиб, мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, турмуш қурган ёшларнинг оиласи янада мустаҳкам бўлиши, оилада тиббий маданиятни яхшилаш борасида тиббиёт мутахассислари ҳамда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари билан биргаликда жойларда давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот ишлари изчил йўлга қўйилган.

Йил давомида хотин-қиз-

лар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, турли марказлар, жамғармалар иштирокидаги ҳаракатлар натижада катта аҳамиятга эга бўлаяпти. Чунки, «Еш оилани мустаҳкамлаш маҳалла аҳли ва оқсоқолларининг бурчидир» шiori остида ёш оилалар турмуши мониторингини олиб бориш, «Оила – меҳр риштаси» мавзуда ўзаро меҳр-оқибат, қариндош-уруғлар орасидаги қондошлик хисларининг жамиятга бўлган ижобий таъсирини ошириш, миллий урф-

бўлиб турибмиз. Улар садақат рамзи сифатида мамлакатимиз шон-шухратини намойиш қилмоқдалар. Бу ўзидан бўлмайди, албатта.

– Спортни омаллаштириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини доимий равишда ўтказиш масалаларига бўлган эътибор ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

– Бугунги кун кишиларининг руҳан тегиш, соғлом бўлишлари учун бу масалаларга бўлган эътибор кучай-

одатларимиз асосида ибратли оилалар ва ҳаётий тажрибалар рағбатлантирилиб, омаллаштирилиб келинмоқда.

Шунингдек, ўсмир-ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, жамиятда қонуннинг устуворлигини таъминлаш, уларни ўз ҳақ-хуқуқларини тўла-англаб етишларига қўмаклашиш мақсадида ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинган.

Кейинги йиллар давомида Ватанга муҳаббат, садақат ва эзгулик руҳини замондошларимиз онг-шуури, ҳаёт тари ва хатти-ҳаракатларида янгилаш мазмун-моҳият касб этмоқда. Хар соҳада бугунги ёшлар, ўсмирлар ўз имкониятлари, салоҳиятлари билан эришаётган ютуқларининг гувоҳи

моқда. Зеро, спорт машғулотларини кундалик турмушга кўпроқ сингдириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини жадал ривожлантириш, баркамол, навқирон авлодни воғга етказиш муҳим масала. Жойларда оилавий спортни ривожлантириш мақсадида маҳаллаларда «Соғлом оила» мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, Янгийўл шаҳри, Янгийўл, Бўстонлик, Бекобод, Бўка, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Қўйичирчик, Юқоричирчик туманларида бундай мусобақанинг биринчи босқичи муваффақиятли якуланди. Бутун-бутун оилалар, маҳаллалар спортнинг бир неча турлари билан шуғулланишлари кундалик ҳаёт эҳтиёжига айланыпти. Бунинг

учун, аввало, маҳаллаларда спорт иншоотлари барпо этиш, уларни бугунги кун талаблари даражасида жиҳозлашга жиддий эътибор бериш, катта-катта маблағлар сарфланаётти. Жумладан, «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказишга ушбу туманларда жамғармани бўлимлари ҳамда хомийлар томонидан 1 миллион 110 минг сўмликдан зиёд маблағ ажратилди.

Яқинда бу тадбирнинг вилоят босқичи Олмалик шаҳрида ўтказилиб, бу мусобақада шўх шарафдор Мамадалиевлар оиласи муваффақият қозонди. Улар республика босқичига йўлланма олдилар. Ушбу жараёнларни жадаллаштириш, қўлай шарт-шароитлар яратиш ва спорт анжумани билан таъминлашга 20 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Дарҳақиқат, Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилган тадбирлар қамрови кенгайиб бораёпти. Олиб борилаётган ишларнинг тахлили шуни кўрсатмоқдаки, бу тадбирлар одамларда ўзаро меҳр-оқибатни кучайтириб, кундалик турмушимизни янги мазмун билан бойитмоқда. Аммо, эл-юртига садақатли, меҳр-оқибатли ёшларни тарбиялаш борасида олдимизда хали катта-катта вазифалар турибди. Биз ҳалқимизнинг бу маънавиятини йигит-қизларга сингдириб, баркамол авлодни тарбиялашга тобора кўпроқ эътибор қарата бошладик. «Маҳалла» жамғармасынинг барча бўғинларида фаолларимиз бу масала билан тобора жиддий шуғулланмоқдалар. Давлат идоралари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан соҳадаги ҳамкорлигимиз кучайиб бораёпти.

Ҳасанбой
САБДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди.

• Тақдимот

Йигитлар танлови

«ЭКОСАН» Халқаро жамғармасида «Бир йигитга қирқ хунор оз» шiori остида «Энг ибратли йигит» республика кўриш-танловини юқори савияда ташкил қилиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида мазкур танловнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Танлов ташкил қилинишидан асосий мақсад – мамлакатимиз ёшларини мард ва жасур, заковатли, мукамал билимга эга бўлган инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳаёт синовларига ақл-идроқи билан ёндоша олувчи навқирон йигитларни камол топтириш ҳамда жойларда спортнинг миллий ва бошқа умумий турлари билан шуғулланишга уларни янада кенгроқ жалб этишдан иборат.

«ЭКОСАН»нинг мазкур ташаббуси республика Хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, мудоффа, ички ишлар, фавкуллода вазиятлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус каби 17 вазирлик, мудоффага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Ўзтелевизиокомпания» ва бошқа халқаро, нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Тақдимотда республика «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодимов ёшлар ўртасида атроф-муҳитга, ўзлари яшаб турган қишлоқ, маҳалла, шаҳарга, умуман олганда, она-юртига нисбатан ҳурмат ва удулмларни сақлаб қолиш билан бирга, уларни бойитиш, оилада эркакнинг тугитган ўрни, ўзаро қўшчилик, маҳалладошликни тўғри йўлга қўйишни тарғибот қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, йигитлар турмуш қорраҳларида зарур бўладиган барча касб-ҳунарларни, фермерлик, тадбиркорликни эгаллаш, асосийси, хонадонини таъминлай оладиган даражасида бўлиши ҳақида ҳам сўзланди.

Қўриқ-танлов уч босқичда ўтказилди. У туманларко, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар микёсда ташкил қилиниб, унда туман (шаҳар) босқичи қўлиблари куч синнашди-қилар. Яқунги босқичда эса, «Энг ибратли йигит» республика танлови фойли аниқланди. Беллашувда 17-25 ёшга-ча йигитлар қатнашиши кўзда тутилган.

Иштирок этувчиларнинг маънавий билим даражаси, яъни тарихий, ҳуқуқий билимлари, замонавий техника янгиликларига қизиқиши, муомала маданияти, ҳарбий хизматга, фавкуллода халқ ўз берганда шошилинч ёрдам кўрсатиш қобилиятлари ҳайъат аъзолари томонидан аниқлиб, рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Иштирок этувчиларнинг маънавий билим даражаси, яъни тарихий, ҳуқуқий билимлари, замонавий техника янгиликларига қизиқиши, муомала маданияти, ҳарбий хизматга, фавкуллода халқ ўз берганда шошилинч ёрдам кўрсатиш қобилиятлари ҳайъат аъзолари томонидан аниқлиб, рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Мунаввара
ИСОҚУЛОВА.

Сайд ҲАСАНОВ.

• Иқтисодиёт

Инвестиция самараси сезилмоқда



Газалкент ойна заводи бир маҳаллар машҳур эди. Республикамиздаги борча қурилишларга дероза ойнаси етказиб берарди, маълум қисминини қўшни мамлакатлардаги қўш сонли мижозларга ҳам жўна-тарди. Бундан ташқари, хар хил гулдонлар, қадаҳлар ва бошқа шу каби рўзгор буюмларини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилган эди.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга зарур тайёргарлик билан келинмагани учун корхона иши йил сайин сусая бошлади. Иссиққачидаги гиштларни ўз вақтида тахт қилмаслик оқибатида деярли тўхтаб қолди. Республикамизда ойна каби қимматли ва зарур қурилиш ашёсини четдан олиб келишга мажбур бўлиб қолди. Бу биринчидан, жуда қимматга тушарди, иккинчидан, овозрағарчилигини айтмайсизми? Уни қайта ишга тушириш учун, албатта, чет эл сармо-исс керак эди. Корхона раҳбарияти шу йўлни тутди. Хорижлик инвестор ҳам топилди. Англиянинг «XIMEX-EXECUTIVE PLC» фирмаси бу ишда ҳамкорлик

қилиш истагини билдирди.

У корхонани қайта қуриш учун 1,5 миллион доллар инвестиция киритди. Бунинг эвазига мавжуд асбоб-ускуналар тўла таъмирланди, янги-ларни келтириб ўрнатилди, иссиққачидаги гишт ҳам етарли тайёрлаб қўйилди. Салкам уч ой давом этган ташкилий-техникавий чора-тадбирлар тўғрисида эски завод ўрнида хориж сармоялари билан барпо этилган қўшма корхона ишга тушди. Бунинг учун 450 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Унинг жамоаси жорий йилнинг 1 июлидан асосий маҳсулотини – ойнанинг дастлабки минглаб квадрат метрини чиқарди ва

бюртмачилар ихтиёрига юборишни бошлади. Ҳозирги вақтда қалинлиги 3-4 миллиметрли ойна тайёрланмоқда. Хар кун ишлаб чиқарилаётган бундай қимматли қурилиш ашёси 6-6,5 минг квадрат метри ташкил қилмоқда. Корхонада яратилган мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш саъй-ҳаракатлари эса давом этмоқда. Иш жараёни уч сменда олиб борилаёпти. Келгуси ойдан хар кун ойна тайёрлаш микдорини яна 1-1,5 минг квадрат метрга қўпайтириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ҳам режалаштирилмоқда. Бу ерда ишша ва банклар тайёрлашга ҳам киришилди.

Йил охиригача бундай рўзгор буюмларининг қами билан 35 миллион-таси истеъмол бозорига етказиб берилди. Бу янги қувватлар фойдаланишига топширилиши билан қўшмача 141 та ишчи ўринлари яратилди.

Ҳозир эса, қўшма корхонада 461 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилаёпти. Уларнинг ўртача иш ҳақлари қамида 70-75 минг сўм бўлиши кутилмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда тобора кенг аёлаётган қурилишларни, яъки тартибда иморатлар қураётган фуқароларни, тадбиркорларни ойнадек зарур бинокорлик ашёси билан таъминлашда сезиларли ижобий силжиш бўлади. Вилоятимиз санаятининг ойна ишлаб чиқарувчи бу ягона корхонаси жамоаси зиммасидаги масъулиятни ва фойдали вазифани доим муваффақият билан бажариши ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ўз маҳсулотларини тобора кўпроқ етказиб беришларига тилақдошимиз.

Собир ҲАМИДОВ.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

нафақат бажараётган ишга, балки жамоа мулкига нисбатан ҳам масъулият олиб беришда. Бир киши жамоа учун, жамоа бир киши учун жа-

мизни кенгайтди, онгимиз юксалтирди.

Қўқаламзорлаштириш, ободонлаштириш ойлги муносабати билан амалга оширилган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Корхона атрофида мевали боғлар барпо этилган, унинг худуди дий сайи кенгайилмоқда. Янги ўтказилган дарахт қўқаларининг парваришига алоҳида эътибор берилмоқда, яратилган гулзорлар шу кунларда яшнаб турибди.

Нуробод – ўз номи билан нурчилар шаҳарчаси. Унда асосан станциянинг ишчи-хизматчилари истиқомат қиладилар. Шаҳарча обод ва кўркам бўлгани сари аҳоли турмуши ҳам фаровонлашиб бораёпти. Шаҳарчада 44 та қўп қавайти уйлар мавжуд. Уларнинг ертўзалари тоза ва қуруқ. Кетиш мавсумига қўнғилдагидек тайёргарлик қўрилмоқда.

Табийки, буларнинг бари ишчи-хизматчиларда яхши кайфият шаклланишига хизмат қилиб, улар меҳнатининг унумли, оиласи тотув ва хотирхам бўлишига замин яратди.

Мунаввара
ИСОҚУЛОВА.

Янги Ангрен изс: Ўзгаришлар палласи

ди. Тежалган «зангори олов» аҳоли хонадонларига йўналтирилди.

Шу кеча кундузда станцияда жадвал асосида тўртта энергоблок белгиланган қувват билан ишла-япти. Унинг бир маромда ишлашида жамоа ахли бирдек масъул. Бунинг ахши хис қилган энергетиклар мавжуд қувватларда яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришилмоқда. Айниқса, бунда қозон турбина цежи навбатчи бошқилар Баходир Мухторов, Баҳром Кодиров, кимё цежи навбатчи бошқилар Дилбар

таъмирлаш цежи, турбина бўлими жамоалари томонидан капитал таъмирлаш ишлари жадал олиб борила-япти. Нурхонада ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми мунтазам яхшиланыпти. Чунки, интизом бор жойда унуми, сифат бор. Хар жума цеж бошқилари билан ўтказилган йилгилишда сўнги ҳафта ичида бажарилган ишлар тахлил этилади ва навбатдаги вазифалар хусусида келишиб олинади. Бу эса, ўз ўрнида меҳнат интизомининг мустаҳкамланишига хизмат қилаёпти.

Ишчи-хизматчиларнинг

вобгар. Дейлик, қайсидир бир цежда майда ўғриллик бўлди, яъни ишчи ўзи ишлаётган жойининг мулкига кўз олайтирди. Бунинг учун биргина у эмас, балки шу цежининг барча аъзоси жавобгар. Мана шу тартиб ҳам жамоада соғлом муҳитнинг барқарорлашувига хизмат қилади. Қолаверса, халқнинг сиёсий фаоллиги олиб бора-япти, у ҳақ-хуқуқини, қонун-қонидан алақакан тўшуниб етган. Мустақиллик даври халққа жуда кўп нарсаларни англади, ўргатди, фикри-

Асосий Қонунимизни ўрганимиз

«121-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор кидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлимларини тузиш ҳамда улар-


нинг фаолият кўрсатиши тақиқланади. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин».

суриштирув ўтказиш ҳамда оператив кидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида чегарани қўриқлаш ва солиқ органлари зиммасига ҳам оператив кидирув фаолияти функциялари юклатилган.

дек, жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқа функциялар фақат юқорида қўрсатилган субъектлар зиммасига юклатилган. Шу боис, Конституциянинг 121-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш бўйича кидирув, тергов ва бошқа махсус функцияларни мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш ва ишлатиш тақиқланган.

ҚУРИЛМОҚДА, ТАЪМИРЛАНМОҚДА



Ангрен шаҳри аҳолисини табиий газ билан тўла таъминлаш мақсадида қурилиш ишлари бошланди.

Унга кўра Охангарондан 15 километр узунликда газ қувурлари тортилади. Бу иш шу йилнинг октябры ойига қадар ниҳоятта қилиб қўйилган. Бундан ташқари 18,8 километр узунликдаги иссиқ сув қувурларини таъмирлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Шунингдек, шаҳардаги 184 та турар-жой уйларида таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида тендер танловлари ўтказилган бўлиб, айни кунда бу ерда 28 та қурилиш пудратлари иш олиб бормоқда.

Рустам РАВШАНОВ.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



иши масалаларига доир буйруқ ва кўрсатмаларига риоя этадилар. Ушбу органлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари, Жиноят ва Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини қўллашга доир қарорларини ҳам бажаришлари шарт. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида оператив кидирув фаолияти билан шугулланишга рухсат берилган субъектлар сони чекланганлигига қарамай, қонун чиқарувчи орган ушбу функцияларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга ҳам берган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексига мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларида оператив кидирув фаолиятини ушбу муассасалар оператив хизматларининг ходимлари, шунингдек, бундай ваколат берилган бошқа органлар қонунларда белгиланган тартибда амалга оширадilar (ЖИК 68-модда 2-банди). Ушбу

фаолият куйидаги мақсадларда амалга оширилади: маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш; маҳкумлар мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган жиноятларини аниқлаш ва фош этиш; жиноятлар ҳамда белгиланган саклаш режимини бузиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш; жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш; озолиқдан маҳкум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига бошқа жиноятларни фош этишда ёрдам бериш (ЖИК 68-модда 1-банди).

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунига биноан божхона органлари ўз ваколатлари доирасида божхона қонунларини бузишга доир ишлар бўйича

Айтиш лозимки, оператив кидирув фаолияти (ошқора ва хуфёна равишда) уларнинг ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган мазкур орган, хизмат ва идораларнинг ваколатли ходимлари томонидан амалга оширилади. Таъкидлаш мумкин, суриштирув органлари оператив кидирув тадбирларини фақат белгиланган қонунларда ва норматив ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бошқа йўллар билан бажариш мумкин бўлмаган тақдирдагина амалга оширадilar.

Шундай қилиб, давлат тергов ҳаракатлари, оператив кидирув тадбирлари, шунинг-

Охангарон туман маданият ишлари бўлими ташаббуси билан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш мақсадида «Энг яхши китобхон оила» кўриқ-танлови бўлиб ўтди.

Китобхон оилалар кўпаймоқда

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда тумандаги Сунам, Телов, Қорахот, Бирлик, Қурама қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги китобхон оилалар фаол иштирок этишди. Кўриқ-танлов натижаларига кўра, сунамлик Умрзоқовлар, қорахотлик Қодиоровлар ва теловлик Йўлдошевлар энг яхши китобхон оилалар деб топилди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

Ерга меҳр қўйиб

Бугунги кунда фермерлар қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали фаолият олиб бориб, етиштирилаётган маҳсулотни кўпайтириш ва эл дастурхонига етказиб туришда асосий таянч бўлмоқда.

Зангиота туманидаги «Бек» фермер хўжалиги ҳам бугун иқтисодий бакуватлашиб, йилма-йил фойда қўриб, ўз имкониятларини кенгайтириб бормоқда. Хўжаликка тегишли 15 гектар ернинг ҳар қаричидан оқилона ва унумли фойдаланилаётгани, ер соҳибларининг қишлоқ хўжалик соҳасида етарли билим ва тажрибага эга эканлиги эришляётган ютуқларнинг бош омилли бўлмоқда. Чунки, улар бу йил 7 гектар майдондаги бугдойдан 40,6 тонна галла олишга муваффақ бўлишди. Бу ҳосилдорлик гектарига 58 центнерни ташкил этди дегандир. Утган йили бугдойнинг ўзидан 14,5 миллион сўм даромад олиниб, соф фойда 6 миллион сўмдан ошган эди. 2004 йилги хирмон соф фойда салмоғини янада оширадilar.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг бу йилги режасида 50 тонна помидор, 20 тонна маккажўхори, 30 тонна ошқовоқ ва бошқа सबзавот маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган.

— Хўжалигимизда олти киши меҳнат қиламиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Шарипов, — деҳқончилик билан бир вақтда баҳоли қудрат чорвачиликни ҳам йўлга қўйганимиз. Бугунги кунда боқувимизда 18 бош қорамол бор. Улар сонини кўпай-



тириб бориш ниятидамыз. Дарвоқе, хўжалик деҳқончилик ишларини энгиллатиш, ерга сифатли ишлов бериш, маҳсулотларни ташши ва бошқа доимий юмушларни бажариш учун ўз техника воситаларига эга. «Олтой» ва «ХЧ-28»

чолик тракторлари, 2 та юк ташинч мосламалари ва «КамАЗ» юк транспорти фермер хўжалигига аҳолилардан мўл ҳосил олишда асқотмоқда.

Шерали РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Суратда: фермер Бахтиёр Шарипов (чапдан иккинчи) ва туман фермерлар уюшмаси раиси Ёқубжон Нурматов помидор ҳосили сифатини кўздан кечиришмоқда. Даврон АҲМАД олган сурат.

Мўл ҳосилга замин ҳозир яратилади, дейишмоқда тажрибали пахтакорлар

Айни кунларда далаларда техник соз холда сафарбар этилган мавжуд 1565та культиватор ва бошқа ишлов воситалари хизматидан унумли фойдаланилмоқда. Бугун вилоятимиз пахтазорларининг жуда катта қисми тўрт, баъзи майдонлар беш-олти марта-лаб қўтиётилади қилинди.

Ишлов жараёнидада тулроқ унумдорлигини ошириш, гўза ривож учун барча зарур озукларни етарли миқдорда бўлишига эришиш мисаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Жумладан, Бўка, Қўйчиқчиқ, Пскент, Ўртачирчик, Янгийўл, Чиноз туманларида экинга иккинчи озик бериш ишлари ҳам баревак якунланди. Пахта далаларига бугунги кунгача 36500 тоннадан ортқ гўнг чиқарилди. Гўзаларни гўнг билан озиклаштириш ва шарбат оқишиш 5 августга қадар давом этиш режалаштирилган. Бугунгача жами пахта майдонлари икки мартаба сугорилди. Айниқса, Ўртачирчик туманидаги Охунбоев номили, «Қора-сув», Бўка туманидаги Ф. Азаматов номили, «Ачамайли», Чина

ноз туманидаги «Эшонабод», «Дўстлик», С. Раҳимов номили, Янгийўл туманидаги «Нийе-збош», «Қовунчи» ширкат хўжалиқларида гўза парваришининг юқори даражада ташкил этилганлиги боис, бу ҳудудларда пахта ривожига ўтган йилгига қараганда 20-25 кун олдинда. Бу хўжалиқларда гўзани қилиш ҳам авж паллага кирган.

Албатта, яхши ривожланган, бўлиқ қўсақлар тугиб, кўзга ял-ял ташланиб турган экинга зараркунанда ҳашаротлар жиддий хавф солиши ва бу билан барча қилинган ҳамда қилинаётган меҳнатларни зов кетказиши мумкин. Шунинг учун зарарли ҳашаротларга қарши курашиш, бунинг учун энг самарали воситаларни қўллаш ҳам айни дамда ўта муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. Бу йил вилоятда ҳашаротларга қарши курашда биологик усулдан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, 91.236 грамм трихотрограмма, 31489 донна бракон қўйилди ҳамда «Исо» воситалари билан 29761 гектар майдонларга ишлов берилди. Айниқса, ҳосилга жиддий хатар тугдирадиган ҳашаротлар — ўргимчакана ва қўсақкурти тарқалиши ва кўпайишига қарши алоҳида курашилмоқда. Ҳашаротлар аниқланган ва хавф тугдириши мумкин бўлган майдонларда 50 гектарга биттадан махсус назоратчи бириктирилган бўлиб, ҳар бир хўжаликда зараркунандалар ҳолатини ўрганиш ва курашиш ташкиллаштириш мақсадида махсус штаблар ташкил этилмоқда.

Шу билан бир қаторда турли салбий омиллар таъсирида суст ривожланаётган, ўсишдан орқада қолаётган майдонлардаги гўза парваришининг алоҳида эътиборга олинди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларга барҳам бериш, кечиккан гўзаларни алоҳида парваришлаш мақсадида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан қатор қўшимча тадбирлар, тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ҳозирда барча хўжалик ва фермерларнинг қоқоқ майдонлари аниқланган, уларга махсус назоратчилар бириктирилди.

Улар томонидан шу кунларда бу майдонларга гўнг чиқариш ва гўзага шарбат оқишиш, сугоришни сифатли ташкил этиш, сувчилар сонини кўпайтириш каби ишлар ишчи олиб боришмоқда. Гўзани қўллаб, бўктириб сугоришга йўл қўймаслик, уларни гўвбал кетишининг олдини олишга жиддий эътибор берилаётган. Айниқса, культивацияни сифатли ва гўза томирларига зарар етказмасдан ўтказиш, экинга қўшимча минерал ўғит беришга ҳаракат қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда вилоятимизда пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Зеро, белгиланган вазифалар ва тадбирларни ўз вақтида, сифатли адо этилиши ўзининг самарасини бериши шубҳасиздир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

«ОЛМАЗОР» ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

«Олмазор» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 2004-2005 ўқув йили учун йигит ва қизларни ўқишга қорлайди. 9- ва 11-синф маълумотида эга бўлган йигит ва қизларнинг ҳужжатлари қабул қилинади.

- 9-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР**
1. Бухгалтерия ҳисоби (100005)
 2. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш (3521210)
 3. Қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш (060001)
 4. Чорвачилик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юрийтиш (060005)
 5. Ветеринария

- 11-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР**
1. Автомобилларни таъмирлаш ва жиҳозлаш.
 2. Ветеринария
 3. Бухгалтерия ҳисоби
 4. Зооветеринария — сиртдан ўқишга — шартнома асосида
- КОЛЛЕЖНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ**
- Шунингдек, (III) учинчи босқични тугатганда, қўшимча куйидаги касбларга ҳам гувоҳнома берилади:
- Сунъий ўрчиштиш техникаси
 - 3-тоифали тракторчи
 - «В» тоифали автомобиль хайдовчиси

Ўқиш муддати
9-синф маълумотида эга бўлганлар учун 3 йил
11-синф маълумотида эга бўлганлар учун 2 йил

Ўқиш шартлари
Ўқитиш юридик ва жисмоний шахслар билан тўлов (контракт) асосида ҳам амалга оширилади.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ҚАБУЛ ҚИЛИШДА КУЙИДАГИ АБИТУРИЕНТЛАРГА ИМТИЁЗЛАР БОР:
ҳарбий хизматни тугатиб, йўлланма билан келганларга;
ногиронлик гуруҳи бор болаларга.

Коллеж манзилгоҳи: Чиноз тумани, «Ўзбекистон» қ.ф.й.
Юнус Каримов кўчаси, 36-уй. Тел: 36-389, 36-380.

Biz va Jahon

Алоқаларимиз истиқболлари

Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, миллий анъаналаримизни чет элга тартиб қилиш, шунингдек, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Россия пойтахти Москвада жорий йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жаамгармаси» ташкил этилган.



Яқинда Тошкентда ҳам мазкур жаамгарманинг ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилди. Унинг ташаббуси билан пойтахтимизда Ўзбекистон ва Россия халқлари алоқалари форуми ташкил этилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жаамгармаси нисбий жамоа ташкилотига ҳисобланади. Ўзбек халқининг маданий тарихий меросини тарғиб қилиш, уни асраш ва ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу жаамгарма Ўзбекистон ва Россия

давлатларининг зиёли ижодкорлари ташаббуси билан ташкил этилди. Унга машҳур кинорежиссёр Малик Қайумов, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур, сиёсий фанлар доктори Гулнора Каримова, театр ва кинонинг етакчи артистлари, машҳур опера қўшиқчилари каби фан ва санъатнинг турли йўналишларида фаолият юритаётган қатор мутахассислар аъзо бўлишган. Жаамгарма жойларда турли тадбирлар, кўргазма, концерт дастурлари, мусиқа фестиваллари ўтказиш, театр ва кинолар намойиш этиш, халқро анжуман ва симпозиумлар ташкил этиш орқали ўз фаолиятини юритади.

Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс».

Курашнинг яна бир турнири

Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида 9-10 июль кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида миллий курашнинг бўйича ўтказилган иккинчи халқро мусобақа якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Турнирда ўн бешга яқин давлатлардан спортчилар иштирок этишди. Беллашув якунларига кўра, юртдошларимиз битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритишди.

Шунингдек, мазкур турнир доирасида Кураш халқро ассоциацияси ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Анжуманда жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида катталар ўртасида ўтказилиши мўлжалланган бешинчи жаҳон чемпионати Доминикан республикасининг пойтахти Санта-Даминго шаҳрига қўчилгани маълум қилинди.

Инобат ЭҒАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс».

Французлар билан ҳамкорликда

Франциянинг Natexsi Bangués Populaires (NBP) компанияси «Ўзбекнефтьга» миллий холдинг компаниясига газ конденсат конларига босимли компрессор станцияси (БКС) қуриш учун салкам 90 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди.



Бу ҳақда «Ўзбекнефтьга» миллий холдинг компанияси бош менежери Шавкат Махидов маълум қилди.

БКС қурилиши учун кредит

«Туркистон-пресс».

Сайёр банк йўлга тушди

Ўзбекистон давлат-тижорат Халқ банки ўз миқозларига янада қулайлик яратиш мақсадида кўчма банк фаолиятини йўлга қўйди — «Пойтахт — сайёр банк»ни ташкил этди.

Германия Жаамгарма касалари фонди Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қилишига мувофиқ қайта жиҳозланган «Мерседес-Бенц» русумидаги автобусларни тақдим этди. Бу автобусларга жойлаштирилган «сайёр банк» аҳолига бевосита жойининг ўзида банк хизмати кўрсата бошлади.

Кўчма банкда бир йўла миқозлар миллий ва чет эл валютасида омонатлар очил,



коммунал ва бошқа тўловларни тўлаши, иш ҳақи ва нафақаларни олиш, турли валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириши мумкин.

Ў.А.

НАТО қароргоҳида брифинг

БМТ маълумотида кўра, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг уч фоизига яқини ёки 185 миллион киши доимий равишда наркотик моддаларни истеъмол қилади ва бу ҳолат тобора эпидемия тусини олмоқда.

НАТО бош қароргоҳида Ўзбекистон ҳайъати иштирокчида ўтган брифинг ана шу мавзуга бағишланди. Унда Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистондаги нарковазият ҳақда мамлакатимизда наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш борасида амалга оширилаётган

тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, брифинг иштирокчиларининг эътибори нарковазиятнинг халқро терроризм, диний экстремизм билан бевосита боғлиқлиги ва бундай қоракларнинг молиявий манбаи бўлиб қолаётганига қаратилди.

«Жаҳон» АА.

